
Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1979 6

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг **Л. И. Брежневга** Ленин мукофоти бериш тўғрисидаги қарори 3

1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

Л. И. БРЕЖНЕВ. Болалар — бизнинг келажагимиз 5

Р. Толипов. Энг катта гул, Кўнгил. **М. Ёқубова.** Қуёш, Жиянимга. **Д. Матжон.** Баҳс, Артек. **Ж. Раҳим.** Суҳбат. **Ш. Саттор.** Бола қалби. Шеърлар 6

С. Ғафуров. Ҳакимжон ўзига баҳо берди. Жумбоқ ҳикоя 11

У. Усмонов. Гирдоб. Роман. Давоми 13

С. Акбарий. Хаёлим ҳисларни ёқади. Шеърлар 87

С. Карокатов. Олтин қум. Роман. Охири 91

Б. Бойқобилов. Кун ва тун. Шеърий қисса 176

ОЧЕРКЛАР

К. Волков. Оталар ери 186

ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ш. Турдиев. Ҳамза ва қардош адабиётлар 191
М. Абдураҳмонова. Замон тароналари васфи 194

САНЪАТ

Ҳ. Акбаров. Чингиз Айтматов ва кино . 197

ПУБЛИЦИСТИКА

В. Зоҳидов. У ерда ҳамиша баҳор . . 201

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

О. Ёқубов, У. Норматов. Роман табиати: талаб ва имкониятлар 208
О. Абдуллаев. Танқидчиликдаги нур ва соялар 216
М. Қўшжонов. Адабиёт ҳаёт қиёсида . . 222

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

А. Асилов. Шоир Сидқий Хондайлиқий ҳаётидан лавҳалар 229

ТАҚРИЗЛАР

А. Қулжонов, Ғ. Ғафуров. Маҳорат йўлида . 234
У. Ўтаев. Танқид ҳақида китоб 236

ЙИЛЛАР, ФАКТЛАР, ВОҚЕАЛАР

С. Ёқубов. Адабий алоқалар 238

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАНҚИДЧИЛИКДАГИ НУР ВА СОЯЛАР

«Шарқ юлдузи» журнали 1977 йилда ўқувчиларга анкета-саволлар тарқатган эди. Унга турли касбларда ишлаётган кишилардан юзлаб жавоблар олинди. Бир неча папкани тўлдирган бу самимий мактубларни ўқиган кишининг хурсанд бўлмай иложи йўқ. Мактублар биринчи навбатда ўқувчиларнинг диди, савияси юксалганини, уни қизиқтираётган ҳаётий масалалар доираси бениҳоя кенгайганлигини кўрсатар эди. Бундан ташқари уларда яна бир муҳим фазилат — мустақил фикр юритишга интилиш, ҳар бир янги асарга — у романми, шеърми, танқидий мақолами — бари бир ҳаммасига холисона баҳо беришга уриниш яққол сезилиб турар эди.

Шубҳасиз, ўқувчиларнинг эстетик дидини тарбиялашда, уларнинг конкрет асар ҳақида фикр юритиш туйғусини шакллантиришда ёзувчилар, шоирлар, драматурглар билан бир қаторда адабий танқиднинг ҳам ҳиссаси салмоқли. Буни юқорида айтилган анкетага келган жавоблар ҳам кўрсатиб турибди. Журналхонларнинг аксарияти (мактуб йўллаганларнинг деярли учдан икки қисми) «Журналнинг қайси бўлимлари (проза, поэзия, очерк ва публицистика, танқид ва адабиётшунослик, санъат) Сизни кўпроқ қизиқтиради?» деган саволга жавоб ёзар экан, танқид бўлимини ҳам тилга оладилар. Холисона, соддагина бу жавобда танқидчиларимизнинг меҳнати озми-кўпми ўз баҳосини олган. Кўрамизки, танқидчилик ҳам ҳозир ҳурматга сазовор ва ўқишли жанрлардан бирига айланган. Бу — фахрланса арзийдиган ҳодиса.

Атоқли партия ва давлат арбоби М. И. Калинин танқидчининг асосий вазифаси «социалистик қурилишни, социалистик фикрни олға етаклаш»дан иборат деб ёзган эди. Устоз танқидчиларнинг энг яхши асарлари бу эзгу ишни сидқидилдан бажариб келмоқда.

Шу кунларда самарали ижод қилаётган кейинги бўғинга мансуб Иброҳим Ғафуров, Пирмат Шермуҳамедов, Маҳкам Маҳмудов каби истеъдодли танқидчиларнинг адабий-танқидий китоблари, мақолалари ҳам китобхонларга манзур бўлди. И. Ғафуров ва П. Шермуҳамедовлар Республика комсомол мукофоти лауреати деган юксак унвон билан тақдирландилар. Бу ҳол ўз навбатида танқидчиларимиз оригинал изланишлар йўлидан бораётганлиги, муҳим масалаларни дадиллик билан кўтариб чиқаётганлиги ва адабий танқидчиликда шаклланган энг яхши анъаналарни муносиб давом эттираётганлигини кўрсатиб турибди.

И. Ғафуровни «лирик» танқидчи дейиш мумкин. У кўпинча шеърият ҳақида, шеърий маҳорат, шеърнинг жозиба сири ҳақида мулоҳаза юритади. Фикрлари, кузатишларини нозик умумлашмаларда ҳаяжон билан баён этади. Унинг «Ёнар сўз», «Ўртоқ шоир» каби тўпламлари ўзига хос мулоҳазаларга бойлиги, шеърий образлар моҳиятини теран идрок этиши, нигоҳининг ўткирлиги билан китобхонда яхши таассурот қолдиради, уни адабий санъат гўзалликларига ошно бўлишида кўмаклашади.

П. Шермуҳамедов — серғайрат танқидчи. У ҳозирги ўзбек прозаси, шеърияти, ёшлар ижодида маҳорат масалалари хусусида қизиқарли, фактларга, умумлашмаларга бой мақолалар эълон қилди. Танқидчи қаламига мансуб бўлган «Ўзбекистон болалар адабиёти» китобининг Москвада босилиб чиққанлиги қувончли ҳодисадир.

Адабий танқидчилигимизда бадиий асарнинг ғоявий-бадиий фазилатларига доир қатор масалалар ҳамда жанрлар тараққиётининг муҳим муаммолари бир қадар кенг ёритилган бўлса ҳам, ёзувчи меҳнати, асарнинг яратилиш жараёни, бадиий ижоднинг ички сирлари хусусида йирик жиддий иш йўқ ҳисобида эди. Танқидчиликдаги бу бўшлиқни М. Маҳмудовнинг «Талант ва ижод фалсафаси» китоби маълум даражада тўлдирди ва юқоридаги масалаларни илмий жиҳатдан пухта, изчил ёритиб берди. Истеъдодли ёш танқидчи «Бадиий ижод фалсафаси», «Ҳаёт ҳодисаси ва ижодкор нияти», «Ҳаёт ҳодисаси ва ижодкор бурчи», «Ғоядан сюжетга» каби мақолаларида ёзувчининг ҳаёт материалларини тўплаш принциплари, асар ғояси ва образларини пишитишдаги заҳматли меҳнати, «ижод уруғи»нинг унишида содир бўладиган ҳил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ма-хил руҳий жараёнлар ҳақида ҳикоя қилиб беради. Қизиқарли тилда ўқимишли ёзилган бу асарни ўқувчилар яхши кутиб олдилар. М. Маҳмудовнинг адабий ҳаракатчиликдаги бошқа муҳим масалалар ҳақидаги бир қатор мақолалари, хусусан, ёшлар шеърияти ҳақидаги «Тошқин дарё мавжлари» мақоласи ҳам оригинал кузатишларга бой, самимий ёзилган. Умуман, бу танқидчиларнинг мақолаларида ўқувчига маънавий озиқ берадиган тўқ мағиз бор. Шунинг учун ҳам улар ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайди.

Кўпдан бери адабий танқидчиликда фаолият кўрсатиб келаётган Раҳматилла Иноғомов, Муҳсин Олимов, Миҳли Сафаров, Бегали Қосимов, Ботир Акрамов, Санжар Содиқ ва яна бир қатор истеъдодли танқидчиларнинг сермазмун мақолалари, самарали изланишлари ўқувчиларга яхши таниш. Кейинги бир-икки йил ичида биринчи китобларини чиқаришга муваффақ бўлган Бахтиёр Назаров («Ленинча таълимот ва ўзбек танқидчилиги»), Умурзоқ Ўлжабоев («Мардлик ва матонат тасвири»), Тўлқин Расулов («Ижод қанотлари»), Ботир Норбоев («Курашчан шеърият») ва шу сингари танқидчилар ҳам чуқур изланиш жараёнини бошдан кечирмоқдалар. Бу танқидчиларнинг кўпчилиги ўз «тадқиқот объекти»га ҳам эга. Жумладан, М. Олимов, С. Содиқлар асосан роман жанрига оид проблемаларни, шахс ва жамият орасидаги мураккаб муносабатларни ва янги қаҳрамонларга хос фазилатларни тадқиқ қиладилар. Б. Акрамов, М. Сафаров, Б. Қосимов сингарилар эса шеърият масалаларини ўрганишга кўпроқ қизиқадилар. М. Нурматов, Б. Назаровларнинг нигоҳи адабий танқиднинг турли қирраларини, танқид ва эстетика қонуниятларини ёритишга қаратилган. Р. Иноғомов, Ш. Турдиевлар ўзбек ва бошқа қардош халқлар адабиётлари орасидаги адабий алоқалар тарихини ўрганиб, адабиётлараро дўстлик ва ҳамкорликнинг кучайишига амалий ҳисса қўшмоқдалар.

Адабий жараёндаги хилма-хил ҳодисаларни ёритишда танқидчининг позицияси, гражданлик активлиги қай тарзда намоён бўлмоқда? Шу саволларга қисман жавоб излаб кўрайлик.

Танқидчи биринчи навбатда холис ва ҳалол бўлмоғи лозимлигини ҳаммамиз яхши биламиз. У юксак партиявий позицияда турган ҳолда бадиий асарнинг ютуқ ва камчиликларини бетараздик билан таҳлил қилиши, турмуш билан адабиёт орасидаги мураккаб боғланишлар, қонуниятларни очиб бериши керак. Замон билан баравар қадам ташлаш, халқ манфаатлари учун курашиш адабий танқиднинг ҳам кучига куч, қудратига қудрат қўшади. Танқидчига жуда юксак вазифа ишониб топширилган. У ҳам ёзувчи олдида, ҳам китобхон олдида бирдек масъулиятлидир. Айни замонда танқидчи бевосита ижодкор ҳам ҳисобланади. Ю. Суровцев айтганидек, «танқид — бу фан, ҳатто «фалсафа», аммо «плюс шахс». Биринчи навбатда санъаткор шахсдир» («Бугунги адабий танқид» тўпламн, Москва, 1977 йил, 22-бет). Демак, унинг жамоатчилик олдидаги бурчи, маънавий жавобгарлиги ҳам икки ҳисса кучли бўлади. Буни юракдан ҳис қила олиш ва ўз номига муносиб бўлиш танқидчи учун энг зарур фазилатдир.

Баъзи танқидий асарларда энг кўп кўзга ташланаётган нуқсон нима? Бу, менинг назаримда, биринчидан, бадиий асарнинг руҳини, табиатини чуқур англаб етмай фикр юритишда, иккинчидан, ҳаққоний позицияда мустаҳкам туролмаслик, холисликнинг етишмаслигида, учинчидан, тор шахсий манфаатлар (ҳатто тамагирлик) гирдобига ўралашиб қолишда кўринади. Бир вақтлар В. Г. Белинский шундай ёзган эди: «Танқидни у билан шуғулланувчи шахсларга бўлган муносабати жиҳатидан эса ҳаммадан аввал самимий, виждонли танқидга, асосли, эътиқодли танқидга ва ғаразли, тамагир танқидга, савдогарлик танқидига ажратиш керак. Буларнинг сўнггиси доимо сохтадир». («Танланган асарлар», Ўздавнашр, Тошкент, 1955 йил, 305-бет). Очиғини айтганда, улуғ танқидчи таъкидлаётган кейинги турдаги нуқсондан баъзи катта танқидчиларимиз ҳам ҳануз қутула олмаяптилар.

Айрим мисолларга назар солайлик. Н. Худойберганов — фаол танқидчи. Унинг адабиётимиз манфаатларини кўзлаб билдирган яхши фикрларини тўғри тан олган ҳолда айрим мулоҳазалари билан баҳслашиш мумкин. Танқидчининг проза асарлари ҳақидаги кузатишлари (айрим зиддиятлар, бирёқламаликлар мавжудлигига қарамай) анча салмоқли. У наср қонуниятлари ва табиатини ҳис қилган ҳолда фикр юритади, таҳлилда аксари тўғри йўлдан боради. Аммо мунаққиднинг шеърият ҳақидаги мулоҳазаларида (тўғри фикрлар қаторида) кўпинча қарама-қаршиликлар учраб туради. У баъзан маълум бир шеърий асарнинг ички оламига чуқур кирмай туриб, ундаги поэтик образлар, мажозий маънода шартли равишда ишлатилган бадиий воситаларнинг «мағзи»ни чақмай туриб, танқидий фикрлар билдиради ва табиий равишда, ўзи ноқулай аҳволда қолади. Бу ҳол, айниқса «Бадиий кашфиёт талаби билан» мақоласида яққол кўзга ташланган эди. Н. Худойбергановдаги бу камчилик ўз вақтида С. Мамажонов («Шеър — жуда ноёб сўз», «Шарқ юлдузи» журнали, 1972 йил, 2-сон) И. Ғафуров («Сўроқлар оқилона бўлса», «Шарқ юлдузи» журнали, 1972 йил, 4-сон), О. Шарафиддинов («Шеърият ва танқидчи», «Гулистон» журнали, 1974 йил, 3-сон) каби танқидчилар томонидан кўрсатиб ўтилган эди. Бу ҳал қилинган масалага яна қайтишимизнинг сабаби шуки, мунаққид тўғри айтилган холисона фикрларга қўшилгиси келмади ва ўжарлик, қайсарлик қилиб (бу — Н. Худойбергановдаги яна бир нуқсон), юқоридаги танқидчилар билан баҳсга киришиб, ўзини зўрма-зўраки ҳимоя қилишга уринди. («Чўққилар чорлайди» тўпламидаги «Тоғлар қаҳ-қаҳа уради-ю, аммо...» мақоласига қаранг). Масалан, у О. Шарафиддинов мақоласи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан қуйидаги кўчирмани келтиради: «Хуллас, шеърият,— дейди О. Шарафиддинов,— биринчи навбатда инсоннинг ички дунёси, маънавий бойлиги, руҳий олами билан, унинг қалбидаги туйғулари ва фикрлари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам шеърда шартлилик, мажозийлик, рамзийлик катта ўрин тутади». Моҳият эътибори билан тўғри бўлган бу фикрлардан танқидчи ғалати камчилик топиб, нотўғри танқид қилишга киришади. Мана унинг даъвоси: «Нега энди шеърият биринчи навбатда инсоннинг ички дунёси, маънавий бойлиги, руҳий олами билан, унинг қалбидаги туйғулари ва фикрлари билан боғлиқ? Наср, пьеса, сўз санъатининг бошқа турлари иккинчи навбатни кутиб турадими? Насрда ёки драматургияда образлилик, шартлилик, рамзийлик шеъриятдагидек катта ўринни эмас, кичик ўринни эгаллайдими?» Танқидчи бу билангина кифояланиб қолмайди. фикрларига янада жиддий тус бериб, насиҳат қилишга ўтади: «санъатнинг бошқа турларини эсдан чиқариш ярамайди, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишдан яхши натижа чиқмайди»,— деб ёзади у. Наҳотки, О. Шарафиддиновнинг юқоридаги мулоҳазаларидан танқидчи айтаётгандек хулоса келиб чиқса? (Мен, гапнинг ростини айтганда, Норбой аканинг бу «ҳукм-хулоса»сини ўқиб, хафа бўлиб кетдим). Ҳар қандай одамга тушунарли бўлиб турган юқоридаги гапларни бунчалик чалғитиб, тирноқ орасидан кир излагандек қилиб изоҳлашнинг нима кераги бор? Поэзия ҳақида, шеърнинг табиати ҳақида айтилаётган бу фикрларни «санъатнинг бошқа турларини эсдан чиқариш... уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш» деб англаш кулгили эмасми? Бундай фикр муаллифнинг хаёлига ҳам келмагани шундоққина кўриниб турибди-ку. Шеърият ҳақидаги кичик бир мақоладан санъатнинг ҳамма жанрларига хос умумий қонуниятни талаб қилиб ўтириш ҳеч қандай илмий мантиққа тўғри келмайди.

Умуман, баҳслашиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш — яхши фазилат. Лекин ҳар қандай фикр темир мантиққа, ҳақиқатга асосланади. Ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам, тўғри айтилган гапга мардона тан бериш керак. Бунинг устига, адабиётимизда баҳслашиш, мулоҳаза қилиб кўриш керак бўлган бошқа жиддий масалалар тўлиб-тошиб ётибди.

Шу ўринда сўзни Н. Худойбергановнинг мазкур китобига тақриз ёзган Б. Норбоевга беришни маъқул кўрамиз. У «Баҳс фикр уйғотади» («Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1977 йил, 29 июль) номли тақризида шундай ёзади: «...танқидчи мунозарага киришар экан, айрим ҳолларда ўз фикрини ҳимоя қилишга берилиб кетиб, бошқанинг тўғри фикрларини ҳам инкор қилаверади. Хусусан, О. Шарафиддиновнинг «бир-бирига ўхшамаган икки асар ҳақида бир хил фикр» айтмаслик лозимлиги ҳақидаги фикрларини инкор қилишнинг зарурати йўқ эди». Тўғри айтилган, тан олиш лозим бўлган хулоса. Қадимги файласуфлар қизғин баҳс, тортишувлар пайтида «мабодо янглишмаяпманми?» деган танқидий савол билан ўзларини тез-тез назорат қилиб турар эканлар. Ҳар нечук, Н. Худойберганов ҳам вақти-вақти билан ўз-ўзига ана шундай савол бериб турса зарар қилмас эди. Тақризчи Б. Норбоевга эса адолат юзасидан фақат биргина истак билдириш лозим: у юқоридаги фикрини янада ривожлантириши ва Н. Худойбергановнинг С. Мамажонов, И. Ғафуровларга нисбатан билдирган эътирозлари ҳам бирдек ишончли чиқмаганини айтиб ўтиши зарур эди.

«Тоғлар қаҳ-қаҳа уради-ю, аммо...» мақоласида яна бир жиддий нуқсон «тафаккур «тоғораси» ибораси муносабати билан кўзга ташланади. Мунаққид ёзади: «Такрорлайман: ҳар бир ижодкорнинггина эмас, балки оддий инсоннинг ҳам ўз фикр доираси, «тафаккур «тоғораси» бўлиши шарт, акс ҳолда ўзлигини йўқотади, мустақилликка эга бўла олмайди» («Чўққилар чорлайди» тўплами, 192-бет). Албатта, муаллифнинг сўзларини ҳар томонга буриб, тортқилаб, нотўғри хулоса чиқармасдан тўғри тушунмоқ лозим. Кўриниб турибдики, бу ўринда у фикрдаги мустақиллик тарафдори. Лекин ҳар қандай талқин қилинганда ҳам юқоридаги ибора ижодкорларга нисбатан ўринли ишлатилган деб бўлмайди. Айниқса, адабий танқидчилик касби билан шуғулланган киши мустақил бўламан деб фикрдан «тоғора» ясаб олмаслиги, шу «тоғораси»га сиққан нарсаларни яхши-ю, сиғмаганини ёмонга чиқариш йўлидан бормаслиги даркор. В. Г. Белинский айтганидек, «Шахслар ўз шахсиятлари нуқтаи назаридан эмас, балки умумхалқ нуқтаи назаридан ҳукм қилишлари керак». (Юқоридаги асар, 218-бет). Бу муқаддас ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур.

Истеъдоди бор, маълум ҳаётий ва адабий билимга, шаклланган дунёқарашга эга бўлган танқидчи конкрет бадиий асарни таҳлил қилаётганда ўзининг шахсий тафаккур «тоғораси»га эмас, биринчи навбатда мавжуд объектив борлиққа, ҳаёт ҳақиқатларига асосланади. Шунингдек, холислик ва масъулият ҳисси, санъат асарига хос ички қонуниятларни нозик англай олиш туйғуси танқидчида юқори даражада шаклланган бўлиши зарур. Акс ҳолда у холисликни қўлдан бериб қўяди ва маълум асар ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади. Н. Худойбергановнинг «Тоғлар қаҳ-қаҳа уради-ю, аммо...» мақоласи, афсуски, ана шундай бўлиб қолган.

Ўз тафаккур «тоғораси»дан чиқа олмаслик муаллифнинг «Қишлоқ ҳаётининг бадиий таҳлили» мақоласида ҳам кўриниб туради. «Тўла маънодаги «қишлоқ прозаси», «қишлоқ адабиёти» бизда энди илдиз отиб келяпти»,— деб ёзади у. Бу фикрнинг мавжуд фактларга зидлигини исботлаш учун жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Аммо биз иккитагина асарни тилга олиш билан кифояланамиз. Эллигинчи йилларнинг охирларида адабиётимизда бугунги ўзбек қишлоғининг типик манзаралари ва одамларнинг маънавий дунёсида рўй бераётган ўзгаришларни ҳаққоний гавдалан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирувчи «Бўрондан кучли» романи ва «Синчалак» повести яратилди. Бу икки асар фақат ўзбек адабиётининг эмас, балки Бутуниттифоқ совет адабиётининг улкан ютуғи сифатида тан олинди. Мазкур роман ва повестнинг ҳатто чет элларда ҳам қайта-қайта нашр этилганини эсласак, танқидчи юқоридаги хулосасида ноҳақ экани яққол сезилади.

Адабиётимизда «қишлоқ мавзуи» мустаҳкам илдизларга эга. Балки мунаққидннинг фикри шу кунлардаги асарлар ҳақидадир? Шундай деганимизда ҳам ўзбек совет адабиётидаги ҳозирги аҳвол ташвишланадиган даражада эмас. 70-йилларнинг ўзидаёқ қишлоқ мавзуида кўплаб роман ва повестлар, ҳикоя ва проблематик очерклар яратилди. Адабиётда масалани ҳеч қачон сон ҳал қилган эмас, албатта. Шу жиҳатдан қараганимизда ҳам кейинги йилларда яратилган асарлар — Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Мирмуҳсиннинг «Умид», Ҳамид Ғуломнинг «Бинафша атри», Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи, Пиримқул Қодировнинг «Мерос» қиссаси китобхонлар меҳрини қозонганини кўрамиз. Агар танқидчи масалани бошқача қўйиб, адабиётимиздаги мавжуд анъаналарни ҳозирги ижодкорлар муносиб давом эттирмоқдаларми? Улар илгари эришилган ютуқларимиз даражасида тура оладиган асарлар ярата олдиларми ёки йўқми? Бугунги ёзувчилар, айниқса, ёшлар, адабиётимизга қандай янгиликлар олиб кирдилар? Прозамизнинг парвозига халақит бераётган асосий иллатлар нималардан иборат? каби муҳим нуқталарни ёритишга ҳаракат қилганда мақола заминини пухта илмий негизга қурган бўларди.

Юқоридаги мақолада маълум бир асарни таҳлил қилишда ва баҳо беришда ҳам субъектив қарашлар устун бўлиб қолган. Жумладан, танқидчи П. Қодировнинг «Мерос» қиссаси таҳлилида нотўғри йўлдан боради. «Мерос»даги Ёлқин Отажонов онгли равишда бутун қийинчиликларни елкасида олиб юради, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тер тўкади, жонини пахта йўлида тикиб қўяди, лекин бу фидойилик ҳамма вақт ўзини оқлайдими — бу ҳақда на қаҳрамон, на ёзувчи мулоҳаза юритади»,— деб ёзади у. «Мерос»ни синчиклаб ўқиган киши танқидчи ноҳақ эканига амин бўлади, чунки асарнинг асосий ғояси ҳам, қиссада тасвирланган ака-ука ўртасидаги ўзига хос конфликт ҳам бевосита ана шу оғир меҳнатга муносабат орқали юзага чиқади. Пахта даласида машаққатли меҳнатга бардош бера олмаган асар қаҳрамонларидан бири — Турсун акаси билан қаттиқ айтишиб қолади ва енгил меҳнат, роҳат излаб, шаҳарга жўнайди. Ёзувчи қаҳрамонлар психологиясидаги, хатти-ҳаракатларидаги драматик нуқталарни етарлича бадиий бўёқларда очиб беради. «Роҳатдан гапирманг, Ёлқин ака!— дейди Турсун.— Бу чўян ичакни судрайвериб, елкаларим яғир бўлиб кетди-ку! Қишда ҳамма дам олганда ҳам тош териб, ер текисладим! Одамлар пичинг қилиб юрибди! Унвон олдингиз, машина олдингиз. Яна нима керак. Уйда дарс тайёрлай десам, болаларингиз тинчлик бермайди. Бу нима деган гап? Орден-медаль камроқ бўлса бўлар! Мунча энди...» Бу фикрлар танқидчининг юқоридаги даъвоси ўринсиз эканини ўз-ўзидан исбот қилмайдими? Тўғри, Н. Худойберганов мазкур мақоланинг бошқа бир жойида Турсуннинг гапларини тилга олади. «Асардаги реалистик оҳанг ва тасвир ҳам таҳсинга сазовор»,— деб ёзади-ю, салдан кейин ўз сўзларини ўзи инкор қилишга тушади ва юқоридаги мулоҳазалари орқали асар ютуқларини йўққа чиқара бошлайди. Мазкур ўринда ҳам танқидчида объективлик, холислик етишмай турибди. Унинг юқоридаги бир-бирига зид фикрлари бу асар руҳига чуқур кириб бормай туриб, хулоса чиқарганини кўрсатади. Инсоф билан айтганда, «Мерос»да ёзувчи пахтакор меҳнатининг бутун қийинчиликлари, машаққатларини табиий бўёқларда жонлантириш ҳамда фидойи инсонлар образини яратиш орқали бугунги ўзбек деҳқонининг мураккаб қиёфасини гавдалантиришга ва шу асосда қишлоқ ҳаётига хос бўлган муҳим маънавий-ахлоқий, ижтимоий масалаларни кўтариб чиқишга муваффақ бўлган.

Аммо бу фикрлар «Мерос» бутунлай нуқсонсиз, беками-кўст асар деган маънони билдирмайди, албатта. Асар қаҳрамонлари биринчи шахс — Турсун тилидан ҳикоя қилинади. Бу эса, табиий равишда, ёзувчини чеклаб қўйган ва бош қаҳрамон Ёлқин Отажоновнинг маънавий дунёси, ўй-фикрлари, психологиясини бутун мураккаб қирралари билан очиб беришига халақит берган. Шунинг учун ҳам биз уни доим бошқа одамнинг нигоҳи орқали кўрамиз, кузатамиз-у, аммо ички олами билан бевосита чуқур таниша олмаймиз. Шунингдек, асарнинг тили, қаҳрамонларнинг индивидуаллиги хусусида ҳам айрим эътирозлар билдириш мумкин.

Асардаги бундай мавжуд нуқсонларни изчил таҳлил қилиб, ёритиб бериш ёзувчи учун танқидчининг юқоридаги палапартиш гапларидан кўра кўпроқ фойда келтирган бўлар эди.

Холисона, тўғри позицияда туриб қилинмаган, пухта далилланмаган, нотўғри танқид китобхон дидини чалғитишдан ташқари ижодкорнинг ўзига маънавий жиҳатдан катта зарар келтиради. Чунки ёзувчи ҳар қандай жонли одам каби илиқ гапга, хайрихоҳликка, тўғри сўзга ҳамиша ташна бўлади. Унинг ижодига ниҳоятда эҳтиётлик билан аваилаб ёндашиш зарурлигини танқидчи ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Н. Худойберганов кейинги мақолаларида бундай нуқсонлардан қутулиб бормоқда. Айниқса, унинг 1976 йил прозаси кенг тадқиқ қилинган «Курашчанлик руҳи билан» номли йирик умумлашма мақоласи шундай дейишга тўла ҳуқуқ беради.

Фалсафа фанлари кандидати М. Нурматовнинг «Танқид ва эстетика» (Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976 йил) китобида йўл қўйилган айрим камчиликларни ҳам тилга олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтиш керак. Тўғри, яхши ният билан ёзилган бу китобда бир қатор фазилатлар, ўринли мулоҳазалар бор, буни инкор қилиб бўлмайди. Мунаққид ҳозирги адабий жараённинг муҳим муаммоларига эътиборни қаратади. Замон ва эстетика, фалсафа ва танқид, миллийлик ва интернационаллик, танқид ва адабиётшунослик, танқидчининг бурчи, танқидда диалектик метод, танқидчиликда мезон ва меъёр каби масалаларни «назарий тафаккур юксаклигида» таҳлил этишга ҳаракат қилади. Республикамизда эстетик фикр ривожини жадаллаштириш тадбирлари хусусидаги, чунончи, Платон, Аристотель, Форобий, Буало, Жалолиддин Румий, Жомий, Дидро, Лессинг, Кант, Гегель каби мутафаккирларнинг илмий-адабий меросини кенг ўрганиш ва уларни ўзбек тилида ҳам нашр эттириш вақти етганлиги ҳақидаги фикрлари, эстетика ва эстетик тарбияга доир семинарлар ташкил этиш борасидаги таклифлари эътиборга сазовордир. Мунаққид республикамизда эстетика соҳасида «санъатнинг миллий ўзига хослигига доир яхлит... йирик монографик ишлар ҳанузгача кам» эканини тўғри таъкидлайди (53-бет). М. Нурматов ҳозирги замон буржуа эстетикасидаги кантчилик ва фрейдизмнинг баъзи салбий кўринишлари ва зарарли оқибатларини тўғри танқид қилади, уларнинг марксча-ленинча эстетика ва эстетик тарбия назариясига қарши хуруж қилаётганлигини таъкидлайди.

Жамиятимиз ҳаётининг ҳозирги босқичида эстетик тарбия турмушимизнинг барча тармоқларига кириб келаётганлиги хусусида М. Нурматов асосли фикрлар айтади. Эстетика ва танқид соҳасидаги назарий билимларини турмушга татбиқ этишда, уни давр, замон билан боғлаб ижодий ўзлаштира боришда яна ҳам кенгроқ иш олиб бориш зарурлиги ҳақида жон куйдиради.

Китобдаги барча яхши томонларни маъқуллаган ҳолда, муаллифга айтадиган эътирозимиз шуки, унда ҳам баъзи ҳолларда холислик, масъулият ҳисси етишмай қолади. Масалан, М. Нурматов файласуф сифатида, изчил мантиқ тарафдори, буни у ҳар қадамда таъкидлаб боради ҳам. Китобдан бунга кўп мисоллар келтириш мумкин, лекин биз биргина мисол билан чекланамиз. «Ўзбек мунаққидларидан Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Лазиз Қаюмов, Маҳмудали Юнусов, Салоҳиддин Мамажонов, Матёқуб Қўшжонов, Очил Тоғаев, Нуриддин Шукуров, Ҳафиз Абдусаматов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Анқабой Қулжонов, Баҳодир Ғуломов, Иброҳим Ғафуров, Пирмат Шермуҳамедов, Маҳкам Маҳмудов, Муҳсин Олимов, Норбой Худойберганов сингари таниқли олимлар ижоди бугунги танқидчиликнинг **илғор ва қолоқ, кучли ва заиф, ижобий ва салбий** (таъкид бизники — О. А.) хусусиятлари ва тенденцияларини пайқаб олиш учун бой адабий материалдир» (78-бет). Бу жумлалардаги мантиққа эътибор беринг. М. Нурматов мутлақо қарама-қарши тушунчаларни ҳеч қандай далил-исботсиз шундай ёнма-ён ишлатадики, оқибатда номи саналган танқидчилар ижоди бугунги танқидчилигимизнинг илғор ва қолоқ, кучли ва заиф, ижобий ва салбий томонларини бирваракайига ўзига жамлаган бўлиб чиқади. Мазкур танқидчиларнинг кўпчилиги республикамиздаги Беруний, Ҳамза ҳамда комсомол мукофоти лауреати эканини эслсак, М. Нурматов ўзбек танқидчилиги эришган барча ютуқларни йўққа чиқараётганлиги маълум бўлади. Юқоридаги танқидчилар ижодида маълум чекланган томонлар бор, дейиш мумкиндир. Чунки идеал даражадаги юксакликка чиқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Аммо бу ҳол улар ижодини қолоқ, заиф, салбий (?!) деб баҳолашга ҳеч қачон асос бўлмайди. М. Нурматов ўзи ишлатаётган сўзларнинг маъно салмоғини, мантиғини нега дурустроқ ўйлаб кўрмади экан?

М. Нурматов ўзини, одатда, майда-чуйда камчиликларга, икир-чикирларга эътибор бермайдиган, аксарият қаерда «фалсафий ожизлик», «юзакилик» (34-бет), «фалсафий нўноқлик», «умумназарий ва умумфалсафий сустлик» (37-бет) юз берса, шу жойда пайдо бўладиган ҳозиржавоб мунаққид қилиб кўрсатади. Муаллиф У. Норматовнинг «Танқид ҳақида ўйлар» мақоласини танқидчиликдаги ана шундай ўринлардан бири сифатида баҳолайди. Мазкур мақолада У. Норматов А. Қулжоновнинг «Замон ва замондошларимиз» китобида ишлатилган «характердаги белгиловчи куч» иборасини М. Нурматовнинг ўринсиз танқидидан ҳимоя қилган эди. М. Нурматов ўз китобида эса ҳар иккала танқидчини марксча-ленинча фалсафанинг революцион принципларини ҳаёт ва адабиётнинг ўзаро муносабати масалаларига тўла татбиқ қила олмаганлик натижасида «умумфалсафий ва умумэстетик камчилик»ка йўл қўйганликда айблайдики, муаллифнинг ўз ҳамкасбларига бу даражадаги муомаласи китобхонни ҳайрон қолдиради. Наҳотки, кўп йиллардан бери адабий ҳаракатчиликда фаол қатнашиб келаётган, бир қанча китоб чиқариб, жамоатчиликка танилган ва маъқул бўлган бу икки танқидчи фалсафа қонун-категорияларини, унинг бош масалаларини билмаса, тушунмаса?

Кўрамизки, муаллиф адабий-танқидий асарларга баҳо беришдек катта масъулиятни зиммасига олади-ю, аммо ўз шахсий қарашлари, ўз андозасидан нари чиқа олмаганлиги учун барча ҳолларда бу ишни изчиллик билан қиёмига етказа олмайди.

Газета-журналлар саҳифаларида ондасонда бўлса ҳам, танқидчиликнинг юксак талабларига жавоб бермайдиган, бир ёқлама ёзилган мақола ва тақризлар учраб туради. Бизнинг назаримизда, «Ўзбекистон маданияти» газетасида уюштирилган «Баҳс»да филология фанлари кандидати Ҳакимжон Каримов эълон қилган бир мақола ана шулар сирасига киради. Бу мақола бир ёқлама ёзилгандан ташқари, асоссиз даъволар, ўринсиз талабларга тўла. Жумладан, унда «Шарқ юлдузи» журналининг ёшлар ижодига бағишланган (1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

йил, 11-сон) сонида эълон қилинган қиссалар тилга олинади. Ҳ. Каримов бу асарларни дурустроқ таҳлил қилиш ўрнига, уларни (жумладан, Зоҳир Аъламнинг «Илк баҳор кунларида» қиссасини) журналда босилиши ёшлар ижодини рағбатлантириш ҳақидаги партия қарорларини суиистеъмол қилишдир, деган моҳият-эътибори билан нотўғри фикрни илгари суради. Наҳотки, ёш ижодкорнинг илк йирик асарига шундай муносабат билдириш мумкин бўлса?! Қарор номидан шу руҳда гапириш учун муаллифнинг қандай маънавий ҳуқуқи бор? Бундай «ҳукмфармолик» билан ёшлар ижодига ғамхўрлик қилиб бўладими?

Тўғри, мазкур қиссалар айрим камчиликлардан холи эмас. Уларни холис таҳлил ситасида кўрсатиш ва ёш авторга самимий ёрдам, маслаҳат бериш керак эди.

Бу мунаққиднинг «Ўқитувчилар газетаси» (1977 йил, 30 июнь)да босилган «Ўзбек адабиёти тарихи» тақризи ҳам бир ёқламалиги билан кишини афсуслантиради. Бу тақриз профессор Х. К. Кўрўғлининг «Ўзбек адабиёти» (Москва, «Высшая школа», 1976) дарслиги муносабати билан ёзилган. Ўзбек адабиёти ва тарихига доир кўпгина фактларни нотўғри ёритгани учун бу асар матбуотда ўз вақтида жиддий танқид қилинган эди. («Шарқ юлдузи» журнали, 1977 йил, 2-сонига қаранг). Ҳ. Каримов негадир мавжуд танқидий фикрлар билан ҳисоблашишни истамайди ва илмий жиҳатдан бўш, саёз ёзилган «Ўзбек адабиёти» китобини ўринсиз равишда мақташга тушади. Энг ёмони шуки, муаллиф «Шарқ юлдузи»даги мақолани бирон ўринда тилга олиб, ўз муносабатини билдиришдан қочади. Ўзидан олдин айтилган фикрларни таҳлил қилиш, тўғриларини маъқуллаш, нотўғриларини рад этиш, баҳслашиш танқидчининг ҳалоллигини, етук савиясини кўрсатмайдими? Афсуски, Ҳ. Каримов ҳар қандай маданий танқидчи амал қилиши лозим бўлган бу оддий ҳақиқатни «унутган». Бундай тор манфаатни кўзлаб ёзилган «тақриз»ларнинг адабиётга қандай нафи бор?

Кўриниб турибдики, айрим танқидчиларимизнинг фаолиятида ўзига хос нурли томонлар ва «соя»лар мавжуд. Бу ҳол ҳам табиий, чунки ривожланиш, тараққиёт ҳеч қачон, ҳеч қаерда бир хилда силлиқ кечмайди. Яна шу нарса ҳам аниқки, ҳаёт олға қараб шахдам қадам ташлар экан, жамият юксалиб борар экан, унинг бағридаги нурли жиҳатлар тобора тантана қилаверади, соялар эса чекка-чеккага сингиб, изсиз ғойиб бўлиб кетади. Адабий танқидчилигимизда ҳам ҳозир етакчилик қилиб келаётган барқарор ижобий кучлар чуқур илдиз отиб, мустаҳкам ўрнашиб қолишига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Унинг юксак парвозига халақит бераётган ҳар хил ўткинчи майллар, юқорида қисман тилга олинган турли нуқсонлардан қанча тез қутулсак, шунча яхши.

Шу ўринда яна устоз танқидчиларимиз ижодига қайтайлик. Бир вақтлар М. Қўшжоновнинг бадиий проза проблемаларига бағишланган мақолалари, О. Шарафиддиновнинг лирика ҳақидаги мулоҳазалари адабиётимизда катта воқеа бўлган эди. Ҳозирги ёш танқидчиларимизнинг қайси мақоласини ана шулар қаторига қўйиш, «воқеа бўлади» дейиш мумкин? Бу савол қаршисида, афсуски, сукутга чўмиб қоласан, киши. Тўғри, китоблар, мақолалар мунтазам чиқиб турибди. Уларнинг яхшиларини қисман тилга олиб ўтдик. Лекин шунинг ўзигина кифоя қилмайди-да... Ёшларда катта сусткашлик, бепарволик мавжудки, буни тан олиш ва унга имкони қадар барҳам бериш пайти аллақачон келган. Истеъдодли ёшларимиздан шу кунларимизнинг руҳи, нафасини ўзига сингдирган, адабиётимиздаги мураккаб, жўшқин жараёнларни тўғри акс эттирган, ғоявий-илмий жиҳатдан бақувват, эстетик жиҳатдан баркамол, ютуқлар ва мавжуд камчиликларимизнинг сири ҳаққоний таҳлил қилинган асарлар кутишга ҳақлимиз.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

www.ziyouz.com kutubxonasi